O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 28 IYUL ◆ SHANBA ◆ № 87-88 (26.790)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А.У.БАҲРОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Аъзамхон Усмонович Баҳромов Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 26 июль

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қарори

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 2001 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 27 июль

***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. **Марказий сайлов комиссиясининг айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисидаги ахбороти.**

2. **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.**

3. **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига ва Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

4. **«Прокуратура тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (учинчи ўқиш).

5. **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

6. **«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.

7. **«Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

8. **«Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

9. **«Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

10. **«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

11. **«Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

12. **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

13. **Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.**

***

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

КУЧЛИ ҲАМКОРЛАР БИЛАН ИШЛАШ АФЗАЛ

Ўзбекистон ва Россиядаги етакчи нефть-газ компаниялари — «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «ЛУКойл» нефть компанияси ҳамда «Итера» компаниялар ҳалқаро гуруҳи яқин орада мамлакатимиз ҳудудида қўшма геологик қидирувлар олиб бориш ва углеводородлар конларида маҳсулот ишлаб чиқаришга киришадилар.

Москвада мазкур компаниялар ўртасида шартномага эришилди. Бу ҳужжатда Бухоро-Хива конлари ва Хисор нефть-газ ҳудудларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда компаниялар ўртасида уларнинг улуши, шунингдек, мамлакатимизда геологик қидирув ишларини олиб бориш асослари белгиланган.

Ўзбекистон томонидан ушбу битимни бош вазир ўринбосари В. Атаев ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раисининг биринчи ўринбосари А. Обидов, Россия томонидан эса «ЛУКойл» президенти В. Алекперов ва «Итера» президенти И.Макаровлар имзолашди.

Битимда белгиланганидек, конлардаги маҳсулот ишлаб чиқариш муддати 25 йил ва у томонлар розилиги билан яна 10 йилга узайтирилиши мумкин.

Газ қазиб чиқариш бўйича кўзда тутилаётган йиллик кўлами 8-10 миллиард кубометрни ташкил этади.

Лойиҳага киритилган конлар заҳираси 250 млрд. кубометр газ ҳамда 10 млн. тонна суюқ углеводород миқдорида баҳоланмоқда.

Конларда қазиш ишларини олиб бориш учун 750 млн. АҚШ долларилик сармоя киритилади.

— Ушбу шартноманинг имзоланиши, — дея таъкидлайди Ўзбекистон бош вазирининг ўринбосари В. Атаев имзолаш маросимидан сўнг, — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг шу йил май ойида Москвага ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг ҳаётга татбиқидир.

«Ўша пайтда, — дея муштарийларга эслатади «Коммерсант» газетаси, — Россия Президенти ўз ҳамкасбига муносиб сармоядорлар топишни ваъда берган эди». Ҳа, бундай таъриф ҳақиқатан ҳам Россия томонидан лойиҳада иштирок этаётган компанияларга мосдир. Улар Ўзбекистон ёнилғи-энергетика мажмуида фаол меҳнат қилишга киришмоқдалар.

Имзоланган келишувдан ҳар иккала томон манфаатдордир. «ЛУКойл» президенти В.Алекперов: «ЛУКойл» жаҳон бозорида муносиб жой эгаллаш каби ўз мақсадига эришиш йўлида яна бир қадам ташлади» дея эътироф этган бўлса, «Ўзбекнефтгаз» раҳбарининг биринчи ўринбосари А. Обидов: «Ўзбекистон йирик энергетика заҳираларига эга. Бу заҳираларни кучли ҳамкорлар билан ўзлаштирган афзалроқдир», деди.

■ «Жаҳон» АА

БОЖХОНАГА АҚШ ИНЪОМИ

Маълумки, Олот божхона комплекси мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси ҳисобланади. Бултур Америка Қўшма Штатлари Мудофаа вазирлиги ходимлари ана шу масканда бўлиб, унинг техник таъминоти билан танишгандилар. Шунда улар божхонани замонавий техника билан янада бойитишда беғараз кўмак беришларини айтгандилар. Куни кеча вазирлик ходимлари ўз сўзларининг устидан чиқдилар ҳамда қиймати 54 минг АҚШ доллари бўлган кузатув техникасини ўрнатиб беришди.

■ Даврон БАҲРОНОВ

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Янгийўл шаҳридаги «Росси СА» Ўзбекистон — Болгария қўшма корхонасида экспортбоп қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Бундан тўрт йил муқаддам шаҳар вокзали ёнидаги кўримсизгина бинода Болгариянинг «Едроси» фирмаси билан ҳамкорликда иш бошлаган корхона бугун ўзининг замонавий ишлаб чиқариш мажмуига эга. Хомашёнинг қарийб 90 фоизи ўзимизда тайёрланади. Шу боис қандолат маҳсулотларининг тури кўп.

Сифати яхши. Нархи ҳам харидорни ранжитмайди. Энг асосийси, 150 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

Корхона раҳбари Ш. Раҳимовнинг айтишича, дастлаб кунига бор-йўғи 300-400 килограмм иккиуч хилдаги қандолат маҳсулотлари тайёрланарди. Маҳсулот турини кўпайтириш учун хорижий ҳамкор керак эди. Ниҳоят корхона замонавий технология билан жиҳозланди. Ҳозирда эса кунига 10-12 тоннага яқин 25 хилдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Уларнинг экспортбоп маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки ташқи бозордаги харидорларга ҳам манзур бўлмоқда. Олинаётган фойданинг деярли ҳаммаси корхонада янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот сифатини яхшилашга сарфланмоқда.

■ Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Фарғона вилояти 177-Қайнар сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига бўшаб қолган ўринга ЎзХДПдан номзод қилиб кўрсатилган Ўзбекистон туманидаги 30-ўрта мактаб директори Маърифатхон Анварова партия Қўқон шаҳар кенгаши биносида сайловчилар вакиллари билан учрашди. Худди шундай учрашувлар 89, 92 ва 93-сайлов участкаларида ҳамда Ш. Азизов номидаги жамоа хўжалиги, «Қўқон» ширкатлар уюшмаси ва бошқа меҳнат жамоаларида ҳам бўлди. Учрашувлар сайловчилар фаоллигида ўтди.

29 июль — якшанба куни Олий Мажлис депутатлигининг бўшаб қолган ўринларига бўладиган сайловга тайёргарлик кўриш давом этаётир.

■ Зулфияхон ҲОШИМОВА, ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши биринчи котиби

ЯНА БИР ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Республика Миллий матбуот марказида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Э. Ҳёрбст билан «Атамакан» нодавлат жамғарма фонди директори Есназар Усеновлар Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқобод шаҳрига АҚШнинг халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) томонидан 25 минг доллар ҳисобида ёрдам бериш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бу маблағ Халқобод шаҳрига тоза ичимлик суви олиб келиш учун сарфланади.

Ташқи ишлар вазири ўринбосари Содиқ Сафоев, инсонпарварлик ёрдами учун Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан элчи жанобларига миннатдорчилик билдирди.

Халқобод шаҳар ҳокими аҳратилган бу маблағ ҳисобига ўрта ҳисобда элликта қудуқ қазилиб, уларда сув насослари ўрнатилиши, кўпчилик аҳоли тоза сув ичимлиги билан таъминланишини мамнуният билан таъкидлади.

«Атамакан» нодавлат жамғармаси Халқобод шаҳрида 1999 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. АҚШ элчиси USAIDнинг бу ёрдами Қорақалпоғистон учун биринчи бор бўлиб, яқин келажакда «Қизил хоч» жамияти ва халқаро инсонпарварлик ёрдам фонди ҳам Орол фожиасини яхшилаш борасида ўз ҳиссаларини қўшажагини билдирди.

■ Юнус БЎРОНОВ

ФЕСТИВАЛ



МИЛЛАТНИНГ КЎНГИЛ КЎЗИ

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай анжуманлардан бири Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда Бадиий академия ҳамкорлигида ўтаётган вилоятларнинг «Шу азиз Ватан — барчамизники» фестивалидир. Кеча пойтахтимизда Сурхондарё вилояти амалий ва бадиий санъат усталарининг фестивали бошланди.

Сурхон воҳасининг ўзига хос ҳаёти, бугуни ва келажаги акс этган санъат намуналари меҳмонларни мафтун этди. Кўтаринки кайфиятда бошланган тантанада Ўзбекистон Халқ бахшиси Шоберди Болта ўғли ўзининг термалари, Ватан ва миллат руҳидаги айтимлари билан барчани ҳаяжонга солди. Турли хил бадиий жамоаларнинг чиқишларида ҳам сурхондарёликларнинг қадим урф-одатлари, бетакрор куй-қўшиғи акс этди.

Юртимиз кенг. Ҳар бир жой жозибадор қиёфага эга. Фестивалдан кўзда тутилган мақсад турфа одат ва русумлар, санъат намуналаридан ажойиб бир гулдаста ясаб, мустақиллик тўйига ҳадя этишдир. Тантанада Ўзбекистоннинг қадимий бебаҳо маданияти, абадият сари юз тутган санъати намоён бўлди.

Суратларда:
фестивал очилишидан лавҳалар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

СИЁСИЙ ЗИДДИЯТ ҚУРБОНЛАРИ

Жума куни Испаниянинг Барселона шаҳри марказидаги банк биносида портлаш юз берди.

Портлаш оқибатида уч йўловчи енгил жароҳатланган. Ҳозирча жиноят излари топилгани йўқ. Аммо, қўпорувчиликда «ЭТА» гуруҳи жангариларининг қўли борлиги тахмин қилинмоқда.

Испанияда бундай воқеалар биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. Пайшанба куни ҳам полициячилар худди шундай портлашлардан бирининг олдини олишга муваффақ бўлишган эди. Яъни 60 килограммли бомба жойлаштирилган автомобиль саёҳат марказларидан бири Малага шаҳри аэропортида портлатиш мўлжалланган эди. Аммо портловчи модда ишга тушишидан 15 минут олдин бу ҳақда полиция маҳкамасига «ЭТА» гуруҳи жангарилари номидан огоҳлантириш қўнғироғи бўлади. Малакали сапёрларнинг тезкорлиги туфайли ушбу қўпорувчиликнинг олди олинди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, «ЭТА» гуруҳи 10 йилдан буён Баскни Испаниядан ажратиб олиш учун кураш олиб бормоқда.

ЖУРНАЛИСТ ҚОТИЛЛАРИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, таниқли тележурналист Григорий Санаининг қотиллари ўз жазосини олади, дея ишонтирди.

Президент, ушбу қотиллик туфайли Бокуга бўладиган сафарини ҳам орқага суришга тўғри келди.

«Рустави-2» хусусий телекомпаниясининг «Курьер» ахборот-таҳлил кўрсатуви бошловчиси 26 ёшли Санаи жамиятда учрайдиган барча қора иллатларни тап тортмай фош этиши орқали ҳурматга сазовор бўлган эди. Журналист жума тонггида ўз уйида отиб кетилган. Ҳамкасблари унинг ўлимида ҳукуматнинг сиёсий найранглари ётибди, деб тахмин қилишмоқда.

Шу куннинг ўзида Санаи маслакдошлари парламент биноси ёнида мотам митинги уюштирдилар. Улар жиноий ишга ҳукумат расмий даражада киришишини талаб қилишмоқда.



КАРТЕР ПРЕЗИДЕНТНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

АҚШнинг собиқ президенти Джимми Картер Жорж Бушнинг хавфсизлик ва ташқи сиёсат йўналишидаги хатти-ҳаракатларини танқид қилди. Унинг таъкидлашича, Оқ уй маъмуриятининг ракетадан мудофаа тизимини яратиш тўғрисидаги режаси 1972 йилда имзоланган келишувга зид бўлиб, у дунёда қайтадан ядровий қуролланиш пойгаси бошланишига олиб келади.

РОССИЯ КЛОНЛАШТИРИШГА ҚАРШИ

Россия ҳукумати инсонни клонлаштиришни тақиқлайди. Шу масалага бағишланган ҳукумат йиғилишида академик Лев Киселев шундай баёнот берди.

Клонлаштириш мақсадида инсон эмбрионларини мамлакат ҳудудига олиб кириш ҳамда олиб чиқиш устидан давлат ўз назоратини ўрнатади, бундай шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Аммо, бу соҳа бўйича Россияда муайян ҳуқуқий ҳужжатлар яратилгани йўқ. Киселевнинг таъкидлашича, Россияда бундай қонунга шу вақтгача эҳтиёж бўлмаган эди. АҚШ қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, яқинда шу масала бўйича қабул қилинган қонунга асосан бундай шахсларга 10 йил муддатгача қамоқ жазоси берилади.

ТЕРАН ФИКРЛИ ФАЙЛАСУФЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК!

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва ислоҳотларнинг моҳиятини чуқур идрок қилиш, уни ҳаётга тадбиқ этиш инсон тафаккури билан бевосита боғлиқ жараёндир.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда инсон онги ва тафаккурида ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Бу жараённи шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳар бир шахсни мустақил фикрга эга бўлишига ундовчи барча ижтимоий фанлар, жумладан фалсафа фани вакиллари ҳам масъулдирлар. «Фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан», дейди Президентимиз.

Дарҳақиқат, фалсафага инсоннинг маданий-маърифий даражаси ва илмий салоҳияти тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезон деб ёндошилмоқда. Шунинг учун ҳам комилликка етакловчи муҳим омилларни фалсафий идрок этиш ва англаш ниҳоятда муҳимдир.

Маънавиятимиз ривожи ва миллий мафкурани халққа етказиш воситаларидан бири театрдир. Бу маънавият ўчоғининг вакиллари билан бўлган учрашувлар талабаёшлар қалбида ҳаётнинг гўзаллигига бўлган муносабатни янада жўштиради, десак хато бўлмайди. Нафақат Ўзбекистоннинг, балки Марказий Осиёнинг нуфузли театрларидан бири бўлган Ҳамза номидаги Академик драма театри актёрлари — Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ва хизмат кўрсатган артистлар Саида Раметова, Тоҳир Саидов, Фатхулла Маъсудов, Зухрахон Ашуроваларнинг талабалар билан яқин мулоқоти, улар томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари ёшлар юртимиз таянчи эканликларини яна бир бор эслатди. Актёрларнинг талабалар олдида чиқишлари уларда санъатга нисбатан, айниқса, драма санъатига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотди.

Тарихий обидалар маданий мерос бўлиши билан бирга, маънавият эканлигини бугунги авлодлар тўла англаб етиши ва ундан тегишли хулосалар чиқариши лозим. Ана шу мақсадда файласуф талабалар билан дунёга машҳур Самарқандга саёҳат уюштирилди.

Файласуф талабалар ўртасида маърузалар, амалий машғулотлар, илмий анжуманлар ўтказишдан ташқари юқорида баён қилган тадбирларнинг амалга оширилиши ниҳоятда фойдали эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Зеро, ўтмишимизни билмасдан туриб келажакни кўра олмаймиз.

■ **Турсуной ТЎЙЧИЕВА, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети ўқитувчиси**

Шифокорларнинг сўзи ҳам даволайди, деган нақл бор. Зеро, саломатлик посбони қанчалик зўр мутахассис бўлмасин, агар хушмуомалаликни жойига қўймаса бемор ўзини заиф сезиши тайин. Шу боис шифокор Ўктам Ғаниев ширинсуҳанликни ўзига шиор қилиб олган. У қарийб йигирма йилдирки, шу соҳада астойдил меҳнат қилмоқда. Айни пайтда Чироқчи туман марказий шифохонаси неврология бўлимини бошқармоқда.

Суратда: *Ў. Ғаниев ҳамшира Ш. Тоғаева бемор соғлигини кўздан кечирмоқдалар.*

■ **Абдурасул ПАРДА олган сурат**

ОЧИҚ ГАПЛАР

ИЖАРАЧИ ИМКОНСИЗ, РАҲБАР ЭСА... БЕФАРҚ

Мамлакат аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида яшаши ва меҳнат қилиши, кўплаб корхоналар фаолияти бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда республика раҳбарияти томонидан қишлоқда иқтисодий ва аграр соҳани ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда хўжалик билан ижарачилар орасидаги муносабат, ички шартнома шартларига қай даражада амал қилиниши ўша жойда ислоҳотларнинг қай тартибда олиб борилаётганлигидан далолат беради. Зеро, бозор муносабатларини шартнома мажбуриятларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ шартномаларни тўғри тузиш ва бажарилишини таъминлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш тизимида, айниқса, қишлоқ жойларида энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда. Нима учун?

— 1180 гектар ерни ижарачиларга тақсимлаб берганмиз, — дейди Нишон туманидаги «Самарқанд» жамоа ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси Холназар Раҳимов. — Жами 210 нафар ижарачи бор. Шунинг 130 нафари пахтачиликка, 80 нафари эса ғаллачиликка ихтисослашган...

Шартномалар билан қизиқканимизда уларнинг айримлари номигагина тузилгандек таассурот уйғотди бизда. Чунончи, баъзи шартномаларда ҳуқуқшунос хулосаси, томонларнинг манзиллари қайд этилмаган. Шартномаларда тупроқ унумдорлиги, табиий ҳолати, сифат кўрсаткичлари (балл бонитети)дан келиб чиқмаган ҳолда ҳосилдорлик белгиланган. Аниқроғи, шартномаларнинг бирида 50 баллик ердан гектаридан 29 центнер ҳосил олиш керак бўлса, яна бир шартномада 30 балл бонитетидаги ердан ҳам гектаридан 29 центнердан ҳосил олиш белгиланган. Нимага?! Бу борада бош иқтисодчидан тайинли жавоб ололмадик. Қанчалик аччиқ бўлмасин, очиқ айтиш лозимки, айрим ички шартномаларда қилинадиган меҳнатга нисбатан жуда кам манфаатдорлик белгиланган. Мисол учун, ижарачи Ўроз Норов билан хўжалик ўртасида ички шартнома тузилган. Ўроз Норов 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил бериши керак экан. Йил бўйи тўланадиган иш ҳақи 147580 сўм бўлиб, шунинг 70 фоизи йил давомида аванс тариқасида берилар экан. Қисқаси, бир ойга тўланадиган аванс иш ҳақи 10331 сўмни ташкил этаяпти. Бу кам эмасмикин? Дейлик, бир пудратда 3 киши меҳнат қилса, бундай ҳолда ойлик иш ҳақи 3000 сўмдан тўғри келади, деган гап-да. Шунда ҳам иш ҳақини мунтазам равишда тўлаш учун хўжаликнинг имконияти бўлса.

Тумандаги Усмон Юсупов номли матлубот-ширкат хўжалигида жами 118 та ижарачи бор. Шартномаларни кўздан кечирдик. Яна ўша ган. Бирорта ички шартномада на ҳуқуқшунос хулосасига, на реквизит (манзилгоҳ)ларга кўзимиз тушди. Энг қизиғи, хўжалик бош ҳисобчиси Рамазон Тўхтаев ва бош иқтисодчи Мурод Маҳмудов шу вақтгача шартномада томонларнинг манзили-ю, ҳуқуқшунослар хулосаси қайд этилиши кераклигини билишмаслигини маълум қилишди. Ҳақиқатдан ажабланарли. Ахир, буни улар билмаса ким билади? Яна ўша юқорида айтганимиз: кам шўрланган ерга ҳам, кўп шўрланган ерга ҳам бир хил ҳосилдорлик белгиланган. Бундай вазиятларда ижарачилар манфаати ҳимоя қилинадими, деган савол туғилади. Хусусан бош иқтисодчи М. Маҳмудов гарчи ички шартномалар бўйича масъул бўлса-да, бу борада ижарачилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормаган. Буни баъзи ижарачилар билан бўлган суҳбатдан тушундик.

— Бу йил 20 гектар ерга «Улуғбек» навли ғалла экдик, — дейди ижарачи Отахон Рустамов.

— Жорий йилда сизга ажратилган сувнинг миқдори қанча?

— ...

— Жами агротехник тадбирлар учун сарф бўлган ёнилғининг ҳисоб-китобини биласизми?

— ...

Ана шунақа гаплар. Бундай ҳолда ижарачи нимага эришади?

— Ижарачи ўзининг ҳуқуқларини шу билан биргаликда мажбурият ва жавобгарлигини тўлиқ англамас экан, бундай ҳолда у бирор натижага эришолмайди, — дейди вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг масъул ходими Холмурод Абраев. — Кўпгина шартномалар бир ёқлама. Хўжаликнинг манфаатдорлиги учун тузилаяпти. Умуман ички шартномалар тақдирига панжа орасидан қаралмоқда. Мисол учун, Нишон туманидаги «Самарқанд» жамоа ширкат хўжалигида пахтачиликда фаолият кўрсатадиган ижарачиларни рўйхатга олиш муддати жорий йилнинг 10 февраль кунигача бўлса-да, ҳалигача бу борада сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Дарвоқе, хўжаликда ўтган йили ғалла етиштириш бўйича бирорта ижарачи режани бажармаган. Пахта бўйича атиги 5 нафар ижарачи бажарган.

— Хўш, нега бундай? — деб сўрасангиз, кўпчилик табиатнинг «хасислиги»дан нолийди. Лекин аслида ҳам шундайми? Йўқ! Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ижарачилар билан хўжаликлар ўртасида тузилаётган шартнома фақатгина хўжаликнинг фойдасини кўзлаб имзоланмоқда. Моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб берилмаслиги, агротехника тадбирларини амалга оширишдаги муаммолар, шу билан биргаликда бу масалада ижарачи олдидаги жавобгарликнинг аниқ белгиланмаганлиги аслида режанинг бажарилмаганлигига бош сабаб.

— Аксарият хўжаликларда ҳуқуқшунослар бўлмаганлиги сабабли рўйхатга олиш китобчасида ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил, қилинадиган харажатлар ва олинадиган даромад, чек дафтарчаси рақамлари, ички хўжалик шартномаларнинг намунавий нусхалари ва хўжаликнинг раиси, бош ҳисобчи ва иқтисодчиси ҳақида маълумотлар мавжуд эмас, — дейди вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи Баҳодир Маҳматқулов. — Шартномаларнинг бузилишига доир ҳолатларни ўрганиб муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий машғулотлар ўтказилаяпти, амалий ёрдамлар берилаяпти. Аммо айрим хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли камчилик яна такрорланаяпти.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш ички шартномавий муносабатларсиз кечмайди. Лекин бу соҳадаги ишлар ҳамон ўз ечимини топмаётгани ачинарлидир.

Афсуски, бу сингари ҳолатларни вилоятнинг Касби, Чироқчи, Баҳористон туманларида ҳам учратдик. Энг ачинарлиси шартномавий муносабатлар бўйича масъул — баъзи хўжаликлардаги бош иқтисодчилар шартномавий муносабатлар хусусида етарли даражадаги тушунчага эга эмаслар.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишда мамлакатимиз Президенти айрим идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар манфаатларига зиён етказувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги асосий тўсиқлардан бири эканлиги хусусида куюнчаклик билан фикр билдирди. Жойлардаги мутасаддилар эса бу нисбат — ҳаққоний баҳони англаб олишлари лозим. Акс ҳолда, тараққиёт йўлидаги бу сингари тўсқинликни кечириб бўлмайди.

■ **Илҳом КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ФАОЛЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марғилон шаҳар кенгаши шаҳарда иқтисодий ўсиш, партия дастурларини ҳаётга изчил тадбиқ этиш борасида сайловчиларнинг таклиф ва истакларини ўрганиб, иш олиб бормоқда.

— Кейинги пайтларда депутатлар фаолиятини вақтли матбуот ва телевидениеда кенг ёритиб келмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар кенгаши катта референти Ҳабибилло Низомиддинов. — Шунинг билан бирга депутатлардан тиббиёт билим юрти директори Шавкатжон Эрматов, 5-болалар боғчаси мудираси Дилоромхон Аҳмедованинг депутатлик фаолияти ҳақида плакатлар тайёрлаб чиқарилди. Кенгашимизнинг сўнгги пленумида Д. Аҳмедованинг ҳисоботи эшитилди.

Дарвоқе, Дилоромхон Аҳмедова шаҳар аҳлига танилган партиянинг жонкуярларидан ҳисобланади. У Марғилон шаҳар кенгашига 10-Ўрмон Аҳмедов номли сайлов округидан сайланган. Ўрмон Аҳмедов номли маҳалла шаҳарнинг кўп аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларидан биридир. Маҳаллада 2600 дан ортиқ аҳоли яшайди. Халқ депутати Д. Аҳмедова сайловчилар ҳузурида бўлиб, улар билан тез-тез учрашиб туради. Сайловчиларнинг сўровлари ва талабларини адо этилиши учун мавжуд имкониятлардан фойдаланади. Маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳурматли оқсоқоллар билан бамаслаҳат иш олиб боради. Депутат ўз фаолияти давомида уй-жой масаласи, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам бериш, фуқаролар саломатлигини яхшилаш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда бошқа талабларини қондириш юзасидан 200 нафардан зиёд сайловчиларни қабул қилди.

Шунингдек, у маҳалла хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда ёш оилаларни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан 18 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 4 нафар фуқаронинг нафақаси расмийлаштирилди.

Депутат Д. Аҳмедова ўзи бошчилик қилаётган болалар боғчасида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. У вилоятда биринчи бўлиб гимназия синфи ташкил этди. Иқтидорли болалардан иборат бу синф ўқувчилари инглиз, араб ва рус тилларини ўрганмоқдалар. Ҳозирга келиб боғча ходимларининг барчаси партия аъзоларидирлар. Шаҳар миқёсида ўтказилган «Энг намунали партия ташкилоти» кўрик-танловида боғча бошланғич партия ташкилотининг ғолибликни қўлга киритгани фикримизнинг далилидир.

■ **Ўктамжон ЭШОНБОБОЕВ, Абдуғани ҚОДИРОВ**

Поп туманидаги «Шахбоз» ва «Мустақил» фермер хўжаликларини икки дўст — Бургутали Йўлдошев ва Рашидхон Қўчқоровлар дастлаб беш бошдан қорамол сотиб олиб ташкил этишганди. Орадан ҳеч қанча ўтмай Рашидхон фермасида қорамоллар 100 бошга, қўй-эчкилар 300 бошга етди. Жорий йилда фермер хўжалиги 70 гектар майдонда ғалла етиштириб, ҳар гектардан 38 центнердан сара дон олди. Шулар эвазига соф фойда 10 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Ҳозирда «Мустақил» фермер хўжалигида 48 киши меҳнат қилмоқда. Ғалладан бўшаган 10 гектар майдонга маккажўхори экилди. Келажакда сутни қайта ишловчи кичик корхона қуриш режалаштирилган.

«Шахбоз» фермер хўжалиги раҳбари Бургутали Йўлдошевни 51 гектар экин майдони бор. Уларга 6 нафар тажрибали деҳқон қарайди. Адир ерлар шароитида ҳар гектар майдондан 31 центнердан ғалла етиштирди. Соф фойда 7 миллион сўмни ташкил этди.

Бу ерда ишловчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Замонавий усулда қурилган дала шийпонида кишилар кўнгилли ҳордиқ чиқаришларидан ташқари ёрдамчи хўжаликда 10 бош қорамол, шунча қўй ва курка боқилмоқда.

Суратда: *1. «Шахбоз» ва «Мустақил» фермер хўжаликлари раҳбарлари Бургутали Йўлдошев билан Рашидхон Қўчқоров.*

2. «Шахбоз» фермер хўжалиги дала шийпони.

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

ОҒРИК

Ҳаётда қувонч ва ташвиш, мурувват ва адолат, муҳаббат ва нафрат нур билан соя каби ёнма-ён юради. Бундан қарийб икки йил аввал Бухоро туманидаги Сафқарда қишлоғида арзимаган келишмовчиликдан юзага келган жанжал икки оила ўртасида адоват илдиз отишига сабаб бўлди. Бундан ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаган заҳматкаш деҳқон Жамол ота оиласи зиён кўрди. Шундан буён Жамол отанинг тинчи йўқолган.

ЖАМОЛ ОТА АДОЛАТ ИЗЛАР

Аслида воқеа бундай бўлганди. Ака-ука Зокир ва Собир Ражабовлар ўзларининг бир нечта гумашталари билан отанинг Бахтиёр исмли ўғлини катта асфальт йўл ёқасида жойлашган «Азимобод» чойхонаси олдида шафқатсизларча калтаклайдилар. Унга пичоқ ўқталиб, занжир билан уриб хўрлайдилар. Бу ҳам етмаганидай улар ҳушсиз ҳолда ётган Бахтиёрнинг қўл-оёқларини сим билан боғлаб, Зокирнинг молхонасига судраб, устидан қулфлайдилар. Бу воқеадан хабар топган қишлоқ аҳли зўравонлар қўлида хўрланган ва сал қолса ўлиб қоладиган Бахтиёрни қутқаролмайдилар. Ёрдамга шошилган унинг оғаинилари жабрдийданинг ҳимоясизлигини англаб милиция ходимларини огоҳлантирдилар. 1999 йилнинг 20 октябрида содир бўлган бу воқеадан хабар топган милиция ходимлари ака-укаларнинг қўлига кишан соладилар. Бахтиёрни эса касалхонага жўнатишади...

Жамол ота адолат қарор топишига ишонганди, ўшанда. Жиноятчилар қилмишига яраша жазоланар деб ўйлаганди. Ахир, ўғлининг айбсизлигига бутун қишлоқ кафолат берганди-да! Аммо Жамол ота ўйлаганича бўлмади. Буни қарангки, Бахтиёр касалхонада даволанаётган пайтда ҳибсга олинган муштумзўр ака-укалар эртасигаёқ қўйиб юборилган экан. Бахтиёр ҳали тўла соғаймасданоқ, қамоққа олинган. Ахир, бу не кўргулик? Хаста кампири чидолмай кўрпатўшак қилиб қолди. Беш ўғил, уч қизни пок яшашга, бировнинг молига кўз олайтирмасликка ўргатишган эди-ку? Қўй оғзидан чўп олмаган боланинг иззат-нафсига тегишаверса, ҳеч бўлмаганда ҳимояланиш учун ҳам рақибига қўл кўтармайдими? Нега энди оғир тан жароҳати олган, ҳақоратланган ва хўрланган болага «бе-адолатли ҳукм чиқармади?

Ана шу саволлар Жамол отани чуқур изтиробга солди. Шу боис, қўлига қалам олиб, турли идораларга нажот истаб, мурожаат қила бошлади. «Мен ва ўғилларим, оилам зўравонлик, адолатсизлик қурбони бўлмоқда. Кўпдан буён давом этиб келаётган камситишлар эса қаддимни букди, адолатсизликдан тўйдим». Юртбошимизнинг «Халқ очликка, қийинчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди» деган сўзларини қалбига муҳрлаб олган отахоннинг зори», «босқинчи», деган тамғалар ёпиштирилди? Тергов нега пайсалга солинди? Нега оқни оқ, қорани қора дегувчи, адолатли ҳукм чиқарувчи кимсалар лоқайд? Нега ушбу жиноят ишини кўрган Бухоро шаҳар Тўқимачилик тумани суди дард-изтиробга тўла сатрларини унинг таҳририятимизга йўллаган хатидан келтирдик. Хатда кишини ўйга солувчи, мушоҳадага ундовчи бир қанча фикрлар бор. Таассуфки, ушбу жиноят ишини кўрган Бухоро шаҳар, Тўқимачилик туман судининг судьяси Аъзам Раҳматов суд жараёнида ўз билганини қилди. Суднинг 2000 йил 26 июлда чиқарган айблов ҳукми билан Бахтиёр саккиз йилга, Жамшид тўрт йилга, Хуршид эса уч йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Суд — адолат манзили, судьялар эса жиноятчиларга қилмишларига яраша жазо берувчилардир. Шу билан бирга улар инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоячиси ҳамдир. Бунга ҳамиша ҳам эътибор бериладими? Афсуски, шоли курмаксиз бўлмаганидек, инсон тақдирига бефарқ қарайдиган судьялар ҳозир ҳам топилади. Уч ойдан ортиқ давом этган суд жараёнида адвокатлар ҳақиқий ҳолатларни ойдинлаштириш мақсадида суд жараёнини видеотасмага ёзиб олишни илтимос қилганларида раислик этувчи томонидан рад этилган. Суд таркибига бир неча марта рад этиш масаласини судланувчилар ва ҳимоячилар қўйганларида ҳам уларнинг фикри инобатга олинмаган. Ҳаттоки ҳимоячи Толиб Ҳайдаровдан судланувчи Бахтиёр Набиев воз кечмаган бўлса-да, унинг ҳимоя нутқи эшитилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бундан ташқари, адвокат Ғайбулла Толибовнинг таъкидлашича, суд жараёни узоқ вақт давом этган бўлса-да, суднинг бўлиб ўтган ҳамма мажлисларида Ўзбекистон Республикаси ЖПК ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг қатор моддалари бузилган.

Ҳукмдан норози бўлган уч ака-ука Набиевлар ҳамда уларнинг отаси юқори идораларга кетма-кет мурожаат қила бошладилар. Лекин адолатни топиш ниҳоятда уларга қийин кечди. Бу асосан вилоятда яққол кўзга ташланди. Мазкур жиноят иши вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида 2000 йил 30 ноябрь кунида А.Насриев раислигида кўрилиб, адвокатларнинг кассация шикояти қаноатлантирилмасдан, ҳукм ўз кучида қолдирилди. Яна ёзишмалар давом этди. Унга жавоблар эса кун санаб турарди. Ажабланарлиси шундаки, «ёз-ёз»лардан сўнг, мазкур жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан №6 — 3842 — 2000-сонли 2000 йил 29 сентябрдаги хатига асосан Олий судга зудлик билан юборилиш керак бўлган бўлсада, бу талаб вилоятда қарийб беш ой ижро қилинмади. Бунга ойдинлик киритиш мақсадида жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси вазифасини бажариб келаётган Муҳиддин Бобоевга мурожаат қилдик. У вилоят судининг етти кишидан иборат раёсати шакллнмаганлигини рўкач қилди. Иш яна роппа-роса бир ойга чўзилди. Шикоят ёзганлар эса бу лоқайдликдан хуноб бўлавердилар. Аммо сабрнинг таги олтин деб билди улар.

Ва ниҳоят вилоят жиноят ишлари бўйича суди раёсати Б.Набиев ва бошқаларнинг жиноят иши бўйича вилоят прокурори томонидан келтирилган протестни шу йилнинг 27 февралида кўриб чикди. М. Бобоев раислигида (уч нафар раёсат аъзолари ҳайъатида) ўтган мажлиснинг 44-Ж-140-сонли қарорига асосан Б. Набиев беш йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жамол ота яна хуноб. Ўғлимни калтаклаган З.Ражабовга ҳам енгил жазо берилди. Қани адолат? Яна ёзишмалар... яна идорама-идора юришлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг шу йил 26 апрель куни бўлиб ўтган очиқ мажлисида бир тўхтамга келинди. Бухоро вилоят, Тўқимачилик туман судининг 2000 йил 26 июлдаги ҳукми билан саккиз йил озодликдан маҳрум қилинган Бахтиёр Набиевга нисбатан Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2000-йил 30 ноябрдаги ҳамда вилоят суди раёсатининг 2001 йил 27 февралдаги чиқарган ажрим ва қарори ўзгартирилди. Б. Набиев Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми «а» банди билан тайинланган беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, уч йилга келтириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 2-моддасига асосан жазони ўташдан озод қилинди. Унга нисбатан эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол қамоқдан озод қилинди.

Энди савол туғилади. Буни З.Ражабовга ҳам нисбатан тааллуқли билиб, жиноятчи жабрланувчи қатори авф этилса-я? Ноҳақ хўрланган Б. Набиев ва унинг укалари судланган деган номга муносибмилар? Жамол ота ана шу саволга ҳам жўяли жавоб излаб яна нуфузли ташкилотларга мурожаат этмоқда. Ахир, болаларни бу иснодни қачонгача орқаларида кўтариб юрадилар? Бундан ташқари, отанинг оиласи ва фарзандлари чеккан азиятлар учун ким жавоб беради? Ўртадаги икки йиллик изтироб, камситиш, ноҳақлик, моддий ва маънавий зарар тарозига қўйилганда меъёр нимани кўрсатаркин? Бу энди яна Жамол отани тинч қўймайди-да.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

- Маликчўл сарҳадларидаги афсонавий завод
- 2002 йилда корхона 25 ёшга тўлади
- Навоий цементига хориж баҳоси
- Германия технологияси қўл келди
- Қадоқланган цементнинг бозори чаққон
- Қўшма корхонанинг қўш байрами

МАЛИКЧЎЛДА ШУНДАЙ ЗАВОД БОР

